

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИМИНАХУНОВА ПРОДА ХУСЕЙНОВНА**

**БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ  
(тиббиёт олий таълим муассасаларида ўрганиладиган инглиз тили  
асосида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of  
Philosophy (PhD)**

**Иминахунова Ирода Хусейновна**

Бўлажак мутахассисларнинг мустақил таълим жараёнларини  
ривожлантиришнинг назарий асослари (тиббиёт олий олий таълим  
муассасаларида ўрганиладиган инглиз тили асосида) ..... 3

**Иминахунова Ирода Хусейновна**

Теоретические основы развития процессов самостоятельного образования  
будущих специалистов (на основе английского языка, изучаемых в  
медицинских вузах) ..... 25

**Iminahunova Iroda Huseynovna**

Theoretical bases for the development of self-education processes of future  
specialists (based on English language studied in medical universities) ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works** ..... 51

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИМИНАХУНОВА ПРОДА ХУСЕЙНОВНА**

**БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**  
**ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**  
**(тиббийёт олий таълим муассасаларида ўрганиладиган инглиз тили**  
**асосида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped893 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юзликаев Фарит Рафаилович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Файзуллаев Турсунбой  
сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор

Махмудов Абдухалим Хақимович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат Университети

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "15" март соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81.)

Диссертация автореферати 2021 йил "3" март кuni тарқатилди.  
(2021 йил "3" март даги 9 рақамли реестр баённомаси).



С.Т.Тургунов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, п.ф.д., профессор

Ш.К.Хужамбердиева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, педагогика бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Т.А.Эгамбердиева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг мустақил таълимини ташкил этиш замонавий касбий билимларни эгаллаши учун муҳим омил ҳисобланади. Таълим олувчиларнинг интеллектуал фаоллигини ошириш, уларнинг тайёргарлигини баҳолаш масалалари билан ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Европа Университетлари Ассоциацияси, Олий Таълим Сифатини Таъминлаш Европа Тармоғи каби қатор халқаро ташкилотлар илмий-тадқиқотларни амалга ошириб келмоқда. Халқаро баҳолаш тадқиқотлари натижалари олий таълим муассаларида мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини шакллантириш орқали мустақил таълим олиш компетентлигини ривожлантиришни тақозо этади.

Дунёнинг ривожланган тиббиёт олий таълим муассасаларида Умумевропа CEFR талаблари асосида талабаларга чет тилларни ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, улар учун мустақил таълим жараёнларини ташкил этишнинг инновацион тизимини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада фасилитацион таълим технологияларини қўллаш орқали талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш технологиясини такомиллаштириш, ассесмент воситасида талабаларнинг мустақил таълимини назорат қилишнинг адаптив вариантларини ишлаб чиқиш, рефлексив ёндашув асосида талабаларнинг мустақил таълим жараёнини бошқаришнинг инновацион моделини лойиҳалаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда олий таълим тизимини янада ривожлантириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, мустақил таълим жараёнларини мувофиқлаштириш асосида талабаларнинг шахсий ва касбий компетентлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш”<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Бу эса, талабаларнинг мустақил таълими жараёнларини ташкил этишнинг педагогик-психологик ва эргономик хусусиятларини аниқлаштириш, мустақил таълимни ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 5 июндаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда; 20-сон, 354-модда; 23-сон, 448-модда.

“Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли қарорлари, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони ҳамда талабалар учун мустақил таълим жараёнларини ташкил этишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизнинг педагог олимлари, жумладан, Б.Р.Адизов, Р.Х.Жўраев, Х.И.Ибрагимов, О.М.Мусурмонова, Д.И.Рўзиева, Э.А.Сейтхалилов, У.И.Иноятов, Н.М.Эгамбердиева, Ш.С.Шодмонованинг илмий изланишларида талабаларда креатив қобилиятни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларнинг касбий-инновацион тайёргарлигини ривожлантириш, шахснинг мустақил фаоллиги, шунингдек, талабаларда танқидий, ижодий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган. Инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш, шахсга йўналтирилган таълим муҳитини ташкил қилиш масалалари А.А.Абдуқодиров, Н.А.Азизходжаева, У.Ш.Бегимкулов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ў.Қ.Толипов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида баён этилган. Ж.Ж.Жалолов, К.Ж.Рискулова, Г.М.Махкамова, Ф.Р.Юзликаев, М.Кадиоровлар томонидан олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш масалалари тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан Ю.К.Бабанский, В.П.Беспалько, К.Роджерс, В.А.Сластёнинларнинг тадқиқотларида бўлажак мутахассисларда ижодий фаолликни шакллантириш ва шахсга йўналтирилган мустақил таълим муаммолари, Е.Галишникова, Г.Китайгородская, Е.Пассов каби олимларнинг тадқиқотларида чет тилларни ўқитиш назарияси ва методикаси масалалари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан S.A.Brown, R.Zajonc, S.Sales, C.R.Rogers, P.Prendville кабилар томонидан талабаларнинг мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Илмий кузатиш ва таҳлиллар тиббиёт олий таълим муассасаларида хорижий тилни ўқитишда инновацион ёндашувлар асосида мустақил таълими жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш зарурлигини

кўрсатиб турибди. Бу эса, мустақил таълим жараёнларини ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-1-100 “Тиббиёт ходимлари учун чет тили, ахборот коммуникация ва таълим технологиялари бўйича узлуксиз малака ошириш тизимини яратиш ва унинг самарадорлигини ошириш” номли илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг инглиз тили бўйича мустақил таълим олиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабалар мустақил таълим олиш жараёнларининг инновацион тавсифи ва компонентларини мураккаб педагогик тизим сифатида илмий асослаш;

талабалар мустақил таълим олиш жараёнларининг педагогик-психологик ва эргономик хусусиятларини аниқлаштириш;

аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш босқичларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

талабалар мустақил таълим олиш жараёнларини самарали ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг инглиз тили бўйича мустақил таълим олиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларининг инглиз тили ўрганишда мустақил таълим жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг предмети** талабаларнинг инглиз тили бўйича мустақил таълим олишини такомиллаштириш технологиялари, шакл, усул ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, ташхис, педагогик тажриба-синов, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, солиштириш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

талабалар мустақил таълимини ташкил этиш жараёнларининг педагогик-психологик ва эргономик (ажратилган вақт, муддати, яратилган шарт-шароит) хусусиятлари фанлараро интеграциялашган ўқув модуллари сифатида танланадиган мавзуларнинг кўлами ва мазмун-моҳиятига кўра боғлиқлиги илмий асосланган;

мустақил таълим олиш жараёнларининг инновацион тавсифи (янги, индивидуал, мобил ва рефлексив ёндашувлар) ва компонентлари (мазмун, шакл, ўқув материаллари ва топшириқлар) кредит-модуль тизими асосида ташкил этиладиган таълим жараёнларининг ўзига хос хусусиятига кўра мувофиқлаштирилган;

мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш босқичларида шахсга йўналтирилган таълимнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш механизмлари талабаларнинг бошланғич тушунчаларига мос равишда уларда касбий фаолиятга қизиқишлар шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи топшириқларнинг боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тилини ўқитишда мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш механизмлари талабаларда касбий тушунчалар шакллантирувчи вазиятларни олдиндан лойиҳалаштириш воситасида ишлаб чиқилган самарадорлик индикаторларига мос натижаларга эришишга мўлжалланган жараёнларни интенсивлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тиббиёт олий таълим муассасалари ўқитувчилари учун мустақил таълим жараёнларини ташкил этишга доир услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш қоидалари ишлаб чиқилган;

“Тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълимини баҳолаш” Низоми ишлаб чиқилган.

“Тиббиётда хорижий тил” номли ўқув-услубий қўлланма нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва усуллар доирасида фойдаланилган назарий маълумотларни расмий манбалардан олинганлиги, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларнинг мустақил таълими жараёнларининг инновацион тавсифи ва таркибий компонентлари, мустақил таълим жараёнига доир методологик ёндашув ва тамойилларнинг ёритиб берилганлиги, мустақил таълим жараёнларини ташкил этишнинг педагогик-психологик ва эргономик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида мустақил таълими ташкил этиш босқичларининг аниқланганлиги, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва такомиллаштириш моделини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиббиёт олий таълим муассасаларининг тиббий-педагогика ва даволаш иши таълим йўналишлари учун тайёрланган “Тиббиётда хорижий тил” номли ўқув-услубий қўлланма ҳамда инглиз–рус–ўзбек тилларидаги “Анатомияга доир терминлар” изоҳли

луғати ва тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялардан тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак мутахассисларнинг мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг назарий асосларига доир тадқиқот натижалари асосида:

талабалар учун мустақил таълим олиш жараёнини ташкил этишда унинг барча шакллари кредит-модуль тизими асосида ташкил этиладиган таълим жараёнларининг ўзига хос хусусиятларига кўра мувофиқлаштириш ҳамда фанлараро интеграциялашган ўқув модуллари сифатида танланадиган мавзуларнинг кўлами ва мазмун-моҳиятини инобатга олишга доир тақлифлардан 5111000 – Касб таълим (даволаш иши) бакалаврият йўналиши Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 майдаги 35-2-2519-сон маълумотномаси). Натижада талабалар учун ташкил этиладиган таълим ва мустақил таълим жараёнлари компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлашга оид талаблар такомиллаштирилган;

талабалар мустақил таълим жараёнларида ўрганиши тақлиф этилган касбга оид хорижий атамалардан иборат “Анатомияга доир терминлар” (инглиз–ўзбек–рус) изоҳли луғати ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 майдаги 35-2-2519-сон маълумотномаси). Натижада мустақил таълим олиш жараёнларида ушбу изоҳли луғат талабаларнинг тиббиётга оид хорижий атамаларни самарали ўрганишларига хизмат қилмоқда;

талабаларнинг мустақил таълим жараёнларини блок-модулли ёндашув асосида ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир тақлифларидан А-1-100. “Тиббиёт ходимлари учун чет тили, ахборот-коммуникация ва таълим технологиялари бўйича узлуксиз малака ошириш тизимини яратиш ва унинг самарадорлигини ошириш” номли илмий лойиҳасини (2016-2018 йй.) бажарилишида фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 майдаги 35-2-2519-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак тиббиёт ходимларига инглиз тилини ўқитишда касбий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи мавзуларни модуллар сифатида белгилаш механизми жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг

ҳажми 132 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълим олиш жараёнини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда педагогик-психологик адабиётларда талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятларини ривожлантириш ҳамда бошқаришнинг тарихий ва замонавий хусусиятлари; тиббиёт олий таълим муассасаларида талабаларни инглиз тилини мустақил таълим орқали ўқитишда ижобий мотивацияларини ривожлантириш ва бошқариш муаммоси; тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш ва ўрганиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълимни педагогик ҳодиса сифатида ривожлантириш жараёнлари таркиби ва мазмуни ҳақида фикр юритилган.

Шарқнинг Хоразмий, Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Тусий, Навоий, Бобур каби қомусий алломалари илм олувчиларнинг ижодий фаолиятига, унга бўлган талабларни аниқлашга, комил инсонни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари, таълим-тарбия тамойиллари, усуллари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқиш, мустақил фаолиятни ривожлантириш ва бошқаришнинг гносеологик асослари бўйича қимматли фикрлар баён этилган.

Мустақил таълим деганда, тадқиқотимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, педагогик муаммонинг таклиф этилаётган ечимининг моҳиятига кириб боришга тил ўрганишнинг аниқ муаммоларини конструктив ва самарали ҳал қилишга имкон берадиган усул ва услубларнинг мавжудлиги, мустақил таълим бўйича ишларни режалаштириш, керакли манбаларни топиш, маълумотларни тузатиш ва ташкил қилиш, амалий педагогик тажрибадан фойдаланиш имкониятини тушунамиз.

«Ривожланиш» тушунчаси шахснинг индивидуал яхлит тизимига нисбатан қўлланилади. «Бошқарув» тушунчаси эса, шахснинг хатти ҳаракатларини тартибга солишда мақсадли таъсир қилиш жараёнини англатади. Ривожлантириш ва бошқариш жараёнларининг натижаси – бу инсоннинг ички ҳиссиётларини, ижтимоий ассимиляция қилиш таъсири остида юзага келадиган шахснинг индивидуаллик сифатларини тавсифловчи миқдорий ва сифат жиҳатдан ўзгаришларидир. Хорижий тилни ўқитиш жараёнида мустақил таълимни ривожлантириш ва бошқариш жараёни

ижтимоий буюртма ва ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ узлуксиз ривожланишни таъминлаш мақсадида ташкил этилади, педагоглар раҳбарлиги остида инглиз тилини ўрганишда педагогик фаолиятнинг жорий ва бошқариладиган қуйи тизимлари талабаларининг мустақил таълим тизимлари билан ўзаро таъсир ўтказиш жараёнидир.

Маълумки, олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълим турлари тарбиявий ишларнинг асосий қисмларидан биридир. Бунда узлуксиз таълим олиш жараёнини шакллантиришда мустақил таълим фаолияти асос бўлади, бироқ мустақил таълим жараёнида ишлаш, ўқитувчи (уни ташкил этиш ва натижалари бўйича) назоратининг йўқлигини англамайди. Шунинг учун мустақил иш талабаларнинг компетенцияларини, ўзлаштиришдаги фаолиятини англатади, бу педагогнинг бевосита раҳбарлиги остида бўлмаса ҳам амалга оширилади. Хорижий педагогик адабиётларда мустақил иш тушунчаси турлича талқин этилади. Германияда тушунчани ифодалаш учун «билвосита ўқитиш» ибораси қўлланилади ва бевосита педагоглар раҳбарлигида ўқитиш жараёнини англатади. Австрия ва Швейцарияда нашр этилган педагогик адабиётларда «секин ишлаш» атамаси қўлланилади, бу мустақил ишлаш вақтида ҳукм сурадиган жимлик ва ёлғиз ишлаш деган мазмунни ифодалайди. Француз ва инглиз тилидаги адабиётларда «индивидуал ишлаш» (self-study, individual work) атамаси қўлланилади. АҚШда «мустақил таълим» (independent work) атамаси жорий қилинган бўлиб, унда талабаларга махсус дастурлар берилди, аммо материалларни танлаш ва уни қандай бажариш имкониятлари талабаларнинг ўзларига ҳавола қилинади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим қуйидаги функцияларни бажаради: инглиз тилидаги мавжуд билимларни тўлдиради, чуқурлаштиради, кенгайтиради; таянч билимларни камчилигини тўлдиради ва уни эгаллаш воситаси ҳисобланади; инглиз тилини билишнинг индивидуал услубини шакллантиришга ҳисса қўшади; мустақил ишлаш ва мустақил ривожлантириш воситаси ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларининг меъёрий ҳужжатларида чет тилларни ўқитиш борасида белгиланган замонавий талабларни инобатга олиш ва тиббиёт олий таълим муассасаларида талабаларга инглиз тилини ўқитиш назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш қатор муаммоларни аниқлаш имконини берди: 1) тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари хорижий тилларни мутахассислиги доирасида белгиланган талаблар даражасида билмаслиги; 2) таълим муассасасининг назоратида нафақат фаолиятнинг ижрочиси бўла оладиган, балки муаммоларни аниқлаб олиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, инглиз тили бўйича мустақил таълим жараёни учун зарурий ўқув-услубий таъминотни яратиш муаммолари билан шуғулланадиган мутахассисларни тайёрлаш эҳтиёжи мавжудлиги; 3) Ҳозирда олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш зарурияти, унинг аҳамиятини етарлича баҳоламаслик, унинг педагогик-психологик вазиятларини таҳлил қила олмаслик, ўқув материаллари мазмунини чуқур англаб етмаслик ҳолати

мавжудлиги. Юқоридаги муаммолар олий таълим муассасаларидаги тил ўргатиш жараёнида мустақил таълим олиш фаолияти кўникмаларини такомиллаштириш учун шароит яратиш кераклиги зарурият эканлигини кўрсатиб турибди.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, талабаларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган кизиқишлари паст даражада қолмоқда. Бунга асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: коммуникатив мулоқотнинг пастлиги (инглиз тилида сўзлашувчилар билан мулоқот жараёни), келажакдаги истиқболли режалар учун мотивлар; имтиҳон жараёнларида яхши баҳоланиш имконияти; хорижий мамлакатларда малака ошириш ёки ишлаш имконияти каби омилларнинг мавжуд эмаслиги. Шунга қарамай, биз олий таълим муассасаларида инглиз тили машғулотларини олиб борадиган педагогларнинг ўз олдига қўйган етакчи мақсад ва вазифалари бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу мақсадга эришиш, биринчи навбатда, шахсга йўналтирилган ва коммуникатив ёндашув тамойилларига (йўналтирилганлик тамойили, ўқитишни табақалаштириш тамойили, функционаллик тамойили, ситуацион тамойил, янгилик тамойили) таяниши зарур. Шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртларида инглиз тилини касбга йўналтирилганлик асосида ўқитишнинг моҳияти, қўшимча касбий ваколатларга эга бўлиш, касбий фаолиятга эга бўлган шахсий хусусиятларни шакллантириш учун мутахассислик фанлари билан интеграциялашувни талаб этади.

Мустақил таълим олиш стратегияси педагогик жараёнда талабаларнинг индивидуал ва мустақил таълим олиш имкониятларини фанни ўрганиш жараёнида амалга ошириш имкониятларидир.

Мустақил таълим олиш стратегияси асосида тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълим олишини педагогик жиҳатдан йўналтириш тўрт (кириш, пропедевтик, услубий, прагматик) босқичдан иборат. Тиббиёт олий ўқув юртларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув фаолияти устида мустақил мониторинг ўтказиш қобилиятини шакллантириш мезонлари: инглиз тилини мукамал ўзлаштириш ва мустақил таълимни бошқариш назарияси ҳамда усулларининг мавжудлиги ва сифатини билиш; инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълимни назорат қилиш ва ўқув фаолиятини бошқариш жараёнининг муваффақиятини таъминлайдиган компетенцияларнинг амалий билиш даражаси; тиббиёт олий ўқув юртларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида ўқув фаолиятини тизимли равишда амалга ошириш, мустақил таълимни бошқариш тизимини англаш мақсадга мувофиқдир.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълим фаолияти, самарали педагогик назорат, унинг объективлиги, изчиллиги, мураккаблиги, узлуксизлиги, мослашувчанлигини таъминлайдиган энг муҳим талаблардан биридир. Назорат қилиш комплексига педагог назорати, мустақил таълимни

бошқариши, ўзаро назорат, ташқи ва ички назорат қилиш каби омиллар киради.

Диссертациянинг «Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тилини ўргатиш жараёнида мустақил таълим олиш имкониятларини ривожлантириш ва бошқаришнинг дидактик асослари» деб номланган иккинчи бобида тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларини инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълимини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари; талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришда педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари; талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришнинг таркибий ҳамда функционал модели каби масалалар ёритиб берилган.

Дидактик имкониятлар деганда, педагог томонидан мустақил таълим фаолиятини мунтазам амалга ошириш учун компетенцияларни шакллантириш инглиз тилини ўқитиш мазмуни, усуллари ва шакллари мақсадли танлаш йўли билан кўрсатиладиган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади. Биз қуйидаги дидактик шарт-шароитларни ажратиб кўрсатдик: 1) инглиз тили дарсларида ижодий фаолликни юзага чиқариш; 2) инглиз тилининг имкониятларидан фойдаланиш; 3) инглиз тили машғулотларида касбий вазиятларни моделлаштириш; 4) талабаларнинг мустақил таълимини ривожлантириш учун доимий мотивация бериш; 5) инглиз тили дарсларида талабаларнинг минтақавий лингвистик аспектидан фойдаланиш.

Дидактик шартларни танлаш учун асос сифатида мустақил таълим фаолиятининг узлуксизлигини ўзига хос хусусиятларини аниқладик: хабардорлик, қатъиятлик, кўп қирралик, кетма-кетлик, тизимлик, рационаллик, барқарорлик, самарадорлик, ўзгарувчанлик ва касбий йўналтириш.

Шундай қилиб, талабаларнинг мустақил ишини инглиз тилида ташкил этиш учун қуйидагилар талаб қилинади: ўз олдиларига қўйилган мақсад ва вазифаларни билиши; уларни амалга ошириш тартибини билиши; ўқув воситаларидан фойдаланиш қобилияти; вазиятларни яратишда таянч иборалардан фойдаланиш ва уларни яратиш қобилияти; тегишли дидактик шартларни ҳисобга олиш. Айрим тадқиқотчилар машғулотларда ўқув технологиялардан фойдаланишни шахсий фаолият ёндашувини амалга ошириш усуллари билан бири деб билишади, бунинг натижасида талабалар ўқув фаолиятининг фаол ижодий субъекти сифатида ҳаракат қилишади деб ҳисоблайдилар (И.А. Зимняя, Е.С. Полат).

Хорижий тилларни ўқитиш методикасида замонавий ўқитиш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳа услуги (дизайн технологиялари) талабаларга шахсга йўналтирилган таълим, масофавий таълим, тил портфелидан фойдаланиш, тандем усули ва интенсив ўқитиш усуллари, Дальтон-план технологияси, модулли технологиялар, техник воситалардан фойдаланиш (компьютер ва аудиовизуал технологиялар).

Инглиз тилида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) қўллашнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради: хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни ўстириш; хорижий тилларнинг коммуникатив

компетенциясини такомиллаштириш; лингвистик билимларни кенгайтириш; тили ўрганилаётган мамлакатнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари тўғрисидаги билимлар ҳажмини ошириш; инглиз тилини мустақил ўрганиш қобилияти ва тайёргарлигини ривожлантириш.

Тилнинг аспектларини ўзлаштиришда нутқ фаолияти турларидан, компетенцияларни шакллантиришда компьютер ёрдамида ўқитиш технологияларидан фойдаланиш имкониятлари жуда катта. Жумладан, мустақил таълимда қуйидаги афзалликлари кўзга ташланади:

**фонетикани ўргатишда:** АКТдан кўпинча талаффузни визуализация қилишда фойдаланилади. Мультимедиа имкониятлари ўрганилаётган тилда ифодаланган жонли нутқни эшитиш имконини беради, уни идрок этиш даражасига мослаштириш ва овоз тезлигини созлаш, ибораларни алоҳида сўзларга ажратиш, сўзларнинг талаффузи ва имлосини таққослаш имконини беради;

**грамматикани ўргатишда:** грамматика дарсларида ҳар қандай мавзуни ўзлаштиришда АКТдан фойдаланиш мумкин. Топшириқларнинг тўғри жойлашуви, оммабоп дизайни, диаграммалар ва жадваллардан фойдаланиш, овозли ҳамкорлик (мисолларни чет тилида талаффуз қилиш), талабалар томонидан осон ва тез қабул қилинади, чунки сезги рецепторларининг аксарияти иштирок этади;

**лексикани ўргатишда:** тест ва компьютер дастурлари асосида визуалликдан фойдаланиш; ўрганувчиларнинг пассив ва потенциал луғат бойликларини кенгайтириш; умумий маълумотлар билан таъминлаш (автоматик луғатлар, синоним ва антонимларни танлаш дастурлари) Ўзлаштириш бўйича машқлар лексик, грамматик ва синтаксислардан иборат.

**ўқишни ўргатишда:** АКТда идрок соҳаси ва тақдим этиш тезлигини ўзгартириш, матннинг жойлашувини ўзгартириш ва техникаларни қўллаш орқали ўқиш техник кўникмаларини яхшилашга имкон беради; рецептив лексик ва грамматикани ўқиш кўникмаларини мустаҳкамлаш; матндаги турли (асосий, иккинчи даражали, аниқловчи ва бошқалар) семантик маълумотларни олиш кўникмаларини ўзлаштириш; матн таҳлилининг ҳар хил турларини ўргатиш; тил ўрганишдаги қийинчиликларни мустақил равишда бартараф этиш қобилиятини шакллантириш;


**тинглаб-тушунишни ўргатишда:** фонетик тинглаш қобилиятини шакллантириш; тингланган матнни тўғри тушунилишини назорат қилиш;

**нутқни ривожлантиришда:** фонетик нутқ қобилиятини шакллантириш; симулятив – моделлаштириш дастурлар асосида ролли ўйинлардан фойдаланган ҳолда жамоада ва кичик гуруҳларда алоқани ташкил этиш.

Мустақил таълим компетенцияси – бу шахснинг мавжуд билимларга асосланган ҳолда, мустақил таълимини тарбиялаш фаолиятини самарали амалга ошириш қобилиятидир. Мустақил таълим олиш компетенцияси ташкилий, маълумотларни қидириш, англаб етиш, бошқариш ва коммуникативлик каби омилларга бўлинади. Уларнинг барчаси ягона интеграцион педагогик жараёнларни ўз ичига олади.

Мустақил таълим олиш компетенцияси мутахассиснинг доимий хусусиятларини, ўқув жараёнларида самарали мустақил таълим олиш

фаолиятини ташкил қила олиш қобилиятини ўзида акс эттирган мураккаб хусусиятларни тушунамиз. Юқоридагилар асосида биз тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида бўлажак мутахассисларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил қилишнинг таркибий-функционал моделини тақдим этдик (1-расмга қаранг).



**1-расм. Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида бўлажак мутахассисларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил қилишнинг таркибий-функционал модели.**

Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилади, яъни эпизодик мустақил таълимдан барқарор мустақил таълимга ўтиш фаоллигини таъминлайди. Ушбу жараённинг асоси талабалар ўз олдига мақсадлар қўйиш, таълим жараёнини режалаштириш, маълумотларни назорат қилиш, мустақил таълимни касбий фаолиятда ривожлантириш моделини шакллантириш қобилиятига эга бўлган ўқув зиддиятларини моделлаштириш тарзида амалга оширилади.

Диссертациянинг **“Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълим олишини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижалари”** деб номланган учинчи бобида тиббиёт олий таълим муассасаларида талабалар ўртасида мустақил таълимни ривожлантириш компетенциясини ўрганиш услуги; инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мустақил изланишлари учун муҳим қобилиятларни шакллантириш мезонлари, даражаси ва динамикаси; тиббиёт олий ўқув юртларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълим фаолиятига тайёргарлигини ривожлантириш ва бошқариш бўйича тажриба-синов натижалари таҳлил қилинган.

Тажриба-синов ишида 380 нафар талаба иштирок этди. Тажриба гуруҳида (ТГ) ва назорат гуруҳида (НГ) 190 нафардан талаба иштирок этди. Тадқиқот жараёнида тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг инглиз тилини ўрганиш жараёнида фойдаланилган мустақил таълим фаолиятининг таркибий қисмларига таянилди: 1) мотивацион қиймати (истак, рағбатлантириш, мотив); 2) ижро этувчи ва ташкилловчи (йўналиш, академик, сафарбарлик ва б.) 3) аҳамиятли (инглиз тилини пухта билишнинг мақбул даражаси); 4) когнитив (ақлий фаолиятнинг ривожланган усуллари).

Тажриба-синов ишлари 3 босқични ўз ичига олди. Биринчи бошланғич босқич ўқув йилининг биринчи йилида амалга оширилади. Ушбу босқичда талабаларга инглиз тили дарсларида мустақил ечим излаш ва бунинг учун қўшимча маълумот манбаларини жалб қилишни талаб қиладиган топшириқлар берилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатиш жараёни кузатилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этиб борилади. Талабаларнинг инглиз тилини ўрганиш жараёнида фаннинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишлари ва юқори натижаларга эришишлари учун мустақил таълим билан шуғулланиш зарурлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, фан, услубий, психологик, педагогик, ва умуммаданий мустақил таълимни ривожлантиришни бошқариш заруратини юзага келтирди. Ушбу тадқиқотнинг самарадорлиги талабаларнинг мустақил таълим ишига тайёрлигини шакллантиришнинг дидактик имкониятларини кенгайтди, айниқса, бу жараёнда таълим муассасалари педагоглариининг фаоллиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу босқич, биринчидан, мустақил таълим орқали ўқитишга тайёрлашнинг мотивацион-қийматли таркибий қисмини рағбатлантириш ва бирлаштиришга қаратилган, иккинчидан, иш фаолиятини баҳолаш тизимини шакллантириш бўйича мақсадли ишлар олиб борилади, мустақил таълим олиш қобилиятлари ривожлантирилади, учинчидан,

тўғридан-тўғри инглиз тилидаги билимларни умумлаштириш бўйича ишлар олиб борилади: талаффуз, равон ўқиш, тингланган ва ўқиган маълумотларни тақдим этиш, тинглаб тушуниш қобилиятларини ривожлантиришдан иборат бўлади.

Иккинчи босқич – шакллантирувчи босқич бўлиб, ўқишнинг иккинчи йилида амалга оширилган. Ушбу босқичда инглиз тилини ўрганиш ўқув жараёнига ижодий ёндашув элементлари билан вазифаларни излаш имконини беради. Матнлар билан ишлаш, керакли манбаларни топа олиш компетенциялари шакллантирилади. Таклиф этилган вазифаларни бажариш ижодий ёндашувнинг зарурлиги ва самарадорлиги, тиббиёт олий ўқув юртларида инглиз тили машғулотида муаммоларни ҳал қилиш учун мустақил изланиш зарурати тўғрисидаги ишончнинг пайдо бўлишига ёрдам беради.

Учинчи босқич – асосий босқич бўлиб, бунда учинчи босқич талабалари қамраб олинган. Олинган дастурнинг назарий ва амалий имкониятлари инглиз тили машғулотида индивидуал – ижодий топшириқлар устида ишлаш жараёнида мустақил таълим олиш имкониятларини ошириш учун асос бўлади. Инглиз тилини ўрганишга қаратилган дастурда асосий диққат ижодий фаолликни оширишда индивидуал ишлаш ва фикрларни очиқ баён қилиш имконини берувчи вазифаларга қаратилган. Мазкур вазифаларни бажариш субъектив ижодий ютуқларга, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини тарбиялашга, мустақил таълим фаолиятини бошқаришда мустақил изланишни шакллантиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, асосий эътибор мотивацион-қиймат ва ижро этувчи – баҳолаш компонентларини такомиллаштиришга, мустақил таълимни тарбиялашга тайёр бўлган когнитив компонентларни шакллантиришга қаратилган.

Талабаларнинг мустақил таълим фаолияти бўйича индивидуал ижодий топшириқларнинг бажарилиш сифатини баҳолашда биз қуйидаги мезонларга таяндик: 1) талабанинг мустақил таълимни англаши жараёнида янги қўшимча нутқ материалларидан ва талаба фаолиятининг бошқа соҳаларидаги педагогик, психологик, услубий, ахборот ва таълимий имкониятлардан фойдаланиш; 2) тегишли босқич талабаларига қўйиладиган талабларга инглиз тилидаги назарий ва амалий компетенциялар даражасининг мувофиқлиги; 3) муаммони ҳал қилиш учун усул ва воситаларни танлаш ва улардан фойдаланиш қобилияти.

Тажриба-синов ишлари Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалида, Тошкент стоматология институти, Андижон давлат тиббиёт институтларининг 1-3-босқич талабалари иштирокида олиб борилди. Тадқиқотимизнинг бошида шакллантирилган концепциянинг мувофиқлигини тасдиқлаш учун тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълимни фаолиятининг аҳамиятини аниқлаш ҳақида суҳбатлар, анкета сўровномалари ўтказилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тил ўрганаётган талабаларнинг мустақил ўқиш фаолиятига тайёргарлиги жараёнида қатъиятлик, ташаббускорлик, мақсадга мувофиқлик, тиришқоклик, ҳаракатчанлик каби фазилатлар муҳим

ва зарур ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида психологик нуқтаи назардан талабаларда берилган топшириқларни англамаслик, мустақил таълим ва ўз имкониятларидан тўлақонли фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланди. Талабаларнинг ҳаракатлари пассив, ўзларини эгаллаётган касбий фазилатларини яхшилаш мотивацияси паст. Аксарият талабалар тил билиш даражасини ошириш учун ўз устиларида ишлашлари талаб этилади. Диссертацияда тиббиёт йўналиши талабалари чет тилини самарали ўрганишлар учун кенг дунёқарашга эга бўлишлари, илмий адабиётларни мунтазам ўқиб боришлари, тажрибаларини ошириш учун конференцияларда қатнашишлари, баҳс ва мунозараларда қизиқтирган саволларга жавоб топишда хорижий тилдаги, айниқса, инглиз тилидаги манбаларга эътибор қаратиш долзарб ва муҳимлиги кўрсатиб берилган.

Олиб борилган таҳлиллар қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради: 1) мотивацион – қимматли таркибий қисми даражасини аниқлаш, инглиз тили машғулотида талабаларнинг мақсадли мониторинги ва уларнинг бажарилган ишларига муносабати, шунингдек, улар билан суҳбатлар ва анкеталар орқали амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатди; 2) ёзма ишларни текшириш натижалари шуни кўрсатадики, талабаларнинг мустақил таълимни шакллантиришда, уларни мустақил таълим олиш имконини беради; 3) бошқариш даражаси компонентларини талабаларнинг ижодий ишлари бўйича инглиз тилидаги оғзаки ва ёзма жавобларни таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин ва рўйхатдаги ўқув фоизи, рейтинг бали талабаларнинг тил билиш даражаларини белгилаш имконини беради; 4) ижодий ишларни, талабаларнинг ёзма ва оғзаки жавобларини таҳлил қилиш асосида амалий ва семинар машғулотида давомида уларнинг ақлий фаолияти даражаларини аниқлаш мумкин.

Аниқловчи эксперимент бошида мустақил таълимни тарбиялашнинг асосий компетенциялари аниқланди (жами 11та), талабаларнинг ҳаракатлари қуйидаги мустақил билимларни мустақил равишда ўзлаштиришга қаратилган эди: дарсдан ташқари машғулотларда мустақил таълим фаолиятини ўргатиш (тажриба гуруҳларида 61,7%, назорат гуруҳларида 56,4%), тил ўрганиш жараёнида ақлий фаолиятга эътибор қаратиш (тажриба гуруҳларида 58,2%, назорат гуруҳларида 52,5%); адабиёт билан ишлаш: ўқиш турлари, ўқишнинг асосий қоидалари (ТГ – 32,7%, НГ 23,6%). Олинган маълумотларга асосланиб, барча битирувчиларга асосий компетенцияларни ўзлаштиришлари учун мақсадли равишда шакллантириш вазифаси қўйилди.

НГларида, ўқув машғулотида талабаларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, анъанавий тарзда олиб борилди, ТГларида эса тизимли равишда, ўқув жараёнининг самарали шакллари ва интерфаол ўқитиш усулларида фойдаланилди; талабаларнинг мустақил таълим ишлари бўйича факультатив курс дастури; инглиз тили ўқитувчисининг мустақил таълим режаси; инглиз тили машғулотида мустақил таълимни ташкил қилиш (лойиҳа усули, автоном ўқитиш ва бошқалар); инглиз тили машғулотида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар; инглиз тили

дарсларида ўқув жараёнида ўйинлардан фойдаланган ҳолда мустақил ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантириш ва бошқаришга эътибор қаратилди.

